

БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУҲИМ АСОСЛАРИ

Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлигида «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини ўрганишга бағишланган тадбир бўлиб ўтди

Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январдаги «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Президентимизнинг шу йил 7 февралдаги Фармони билан тасдиқланган 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш ҳамда суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани ривожлантириш, хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ҳамда диний бағрикенглик муҳитини таъминлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Айни чоғда ушбу Қонун ва Ҳаракатлар стратегиясининг ғоя ва мақсади, моҳияти ҳамда аҳамияти давлат ва жамоат ташкилотларида катта қизиқиш билан ўрганилмоқда.

Қуни кеча Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлигида ўтказилган йиғилиш ҳам «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида» Қонун ва Ҳаракатлар стратегиясининг мазмун-моҳияти ва ижтимоий аҳамиятига бағишланди. Тадбирда Республика Маънавият тарғибот маркази мутахассиси, юридик фанлар номзоди, доцент Ҳайдарали Мухамедовнинг маърузаси тингланди.

– Тараққиёт йўлига жиддий тўсиқ бўлиб, жамият ривожини, соҳалар юксалишига бевосита таҳдид туғдирадиган асосий иллат бу – коррупциядир, дея сўз бошлади маърузачи. – Шу боис мамлакатимизда эски тузум орқали ўтган асрда қонларга қўшилган бу дардга қарши кураш чораларини кучайтириш, уни тағ-томири билан йўқотиш, бу борадаги ҳуқуқий асосларни янада мустаҳкамлашга жиддий эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январдаги «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонуни ушбу соҳада давлат сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаб беради.

Янги Қонун коррупция – порахўрлик, мансаб ваколатларини суиистеъмол қилиш, таниш-билишчилик ва қариндош-уруғчиликни авж олдириш ва бунинг натижасида давлат ташкилотларида истеъдодли кадрларнинг ўсишига тўсиқ бўлиш, жисмоний ҳамда юридик шахсларнинг давлат томонидан қонун билан кафолатланган ҳолда берилган ҳуқуқларини бузиш, ўз вазифаси бўйича белгиланган мажбуриятларини бажаришни пайсалга солиш ва тамагирлик каби жирканч иллатларга қарши курашни тизимли асосда ташкил қилишни таъминлайди.

Қонун кучли фуқаролик жамияти сари олға қадам ташлаётган Ўзбекистонимизнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти учун бениҳоя катта аҳамият касб этади.

Тадбирнинг иккинчи мавзусига тўхталар экан, маърузачи, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси аҳоли ва тадбиркорларни ўйлантираётган долзарб масалаларни ҳар томонлама ўрганиш, амалдаги қонунчилик, ҳуқуқни ва илғор хорижий тажрибани таҳлил қилиш асосида ишлаб чиқилганини алоҳида таъкидлади.

Ҳаракатлар стратегиясининг беш йўналиши давлат ва жамият қурилишини такомиллаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштириш, ижтимоий соҳани ривожлантириш ҳамда хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат юритиш йўлида амалга оширилажак кенг қамровли чора-тадбирларни назарда тутди.

Ҳ. Муҳамедов ўз маърузасида ушбу йўналишларнинг ҳар бирини батафсил шарҳлаб берди, уларнинг муштараклиги ва ижтимоий салмоғи тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Йиғилиш сўнгида Агентлик ходимлари ўзларини қизиқтирган барча саволларга мукамал жавоб олдилар.

Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги Ахборот хизмати